



Ойбек АҲМЕДОВ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
мустақил изланувчиси
ЎзР Давлат Солиқ қўмитаси
Солиқ академияси “Тиллар” кафедраси мудири
ahmedov.oybek@mail.ru

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ СОЛИҚ-БОЖХОНА ТЕРМИНЛАРИНИНГ СИНХРОН ТАДҚИҚИ

Ушбу мақола инглиз ва ўзбек тилларидаги солиқ-божхона терминлари тадқиқига бағишланган. Лингвистик таҳлил орқали инглиз ва ўзбек тилларидаги солиқ-божхона терминларининг ясалиши, ҳосил бўлиш йўллари ва семантик ўзгаришлари аниқланган. Терминларнинг маъно ўзгариши ва ўрганилаётган терминларнинг бошқа сўзлар билан мувофиқлиги орқали термин яшаш кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, ўзбек тилидаги солиқ-божхона терминларининг истиқлолдан кейинги ҳолати, соҳа терминологиясига бошқа тиллардан ўзлашган ва ўзлашаётган лексемалар орқали бойиб, янада такомиллашиб бориши илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Статья посвящена исследованию налогово-таможенных терминов в английском и узбекском языках. Посредством лингвистического анализа были выявлены способы образования налогово-таможенных терминов в английском и узбекском языках, а также различные семантические изменения. Было показано образование терминов посредством изменения смыслов, терминов и соответствия изучаемых терминов другим словам. Кроме того, было исследовано состояние налогово-таможенных терминов узбекского языка в годы независимости, а также совершенствование и обогащение терминологической системы отрасли путем заимствований лексем из других языков.

This article is devoted to investigate tax and customs terms in English and Uzbek languages. The linguistic analysis of English and Uzbek tax-customs terms showed different types of word-formation, semantic changes and internal and external factors of enriching the terminology. As well as it is observed that the semantic change and collocation of terms may cause their word formational activity. The status and position of tax-customs terms was also touched upon after independence of our country. The investigation showed that the Uzbek tax and customs terminology was enriched as a result of borrowings from different languages too.

Калит сўзлар: солиқ ва божхона терминлари, лингвистик таҳлил, таржима, калька, трансформация, термин яшаш, ўзлашиш, лексик-семантик ўзгаришлар.

Ключевые слова: налогово-таможенные термины, лингвистический анализ, перевод, трансформация, терминообразование, заимствование, лексико-семантические изменения.

Key words: tax and customs terms, linguistic analysis, translation, calque, transformation, term formation, borrowings, lexic-semantic changes.

Истиклол йилларида ёзма ва оғзаки нутқда миллийлаштириш жараёни бошланиб, ном, атама ва терминларни соф ўзбек тилида аташ эҳтиёжи вужудга келди. Собиқ Иттифоқ таназзулидан сўнг МДХ Республикаларининг мустақил ривожланиш йўлига ўтиши бозор иқтисодий сиёсатининг жадал амалга ошириш эҳтиёжини юзага келтирди. Ушбу сиёсатни амалга оширишнинг оптимал йўли ривожланган давлатлар иш тажрибаларини ўрганиш ва мос тарзда ўзлаштириш эди. Бу эса ўз ўрнида иқтисодий терминларнинг кўплаб ўзлаштиришга ва тилшунослик соҳасида «терминологик портлаш» жараёнининг юз беришига олиб келди. Мазкур ижтимоий-иқтисодий бурилиш натижасида янги солиқ ва божхона (СБ¹) терминологик бирликларининг ўзбек тили заминида ривожланиши аксарият мутахассисларни дабдурустдан тушунишлари бир қадар мушкул бўлди. Бу каби экстралингвистик омиллар СБ терминологик тизимига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бунинг натижасида инглиз тили орқали лотин, француз, италян, грек тилларидан ўзбек ва рус тили лексик қатламига байналмилал характерга эга бўлган терминлар кириб келди ва улар бугунги кунда она тилимизда истеъфода этилмоқда.

Diversification – диверсификация, *devaluation* – девальвация, *embargo* – эмбарго, *recession* – рецессия, *dumping* – демпинг, *implementation* – имплементация, *clearing* – клиринг, *parity* – паритет, *accept* – акцепт, *futures* – фьючерс, *franchise* – франчайз, *tratta* – тратта, *transfert* – трансферт, *remittent* – ремитент, *fronting* – фронтинг, *revaluation* – ревальвация, *conversion* – конверсия, *hypotheke* – ипотека, *ad valorem* – адвалорем, *accreditive* – аккредитив каби терминлар ўзбек тили СБ терминологик тизими бирликлари семантикасида янги лингвистик номинациялар сифатида талқин қилишни тақазо этмоқда. Бундай термин-неологизм (англицизм)ларнинг айримлари ҳозирча умумистеъмолга кенг кириб бормаган бўлса-да, ҳукумат қарорлари, солиқ ва божхона соҳасидаги расмий ҳужжатлар ва даврий матбуот саҳифалари орқали кенг жамоатчилик аҳлига, шунингдек, ҳар бир ўқимишли кишига маълум бўлиб бормоқда. Бироқ айрим ҳолатларда луғатлар ҳам, хусусан, терминологик луғатлар терминологиянинг ривожланиши орқасидан етишга улгурмаётганини эътироф этиш жоиз.

Айни пайтда, ўзбек тили СБ терминологиясида чет тиллар, хусусан, инглиз тилидан калька усулида ўзлаштирилаётган янги терминлар вужудга келиши натижасида терминологик тизим фонди мунтазам равишда кенгайиб, тўлдирилиб борилаётгани ҳам кузатилмоқда. Демак, тилнинг терминологик таркиби муттасил давом этадиган ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар билан ўзаро мустаҳкам алоқада бўлади. Кузатишлар шуни кўрсатадики,

¹Мақолада “солиқ ва божхона” терминлари ўрнига СБ қисқартмасидан фойдаланилди.

истиклолгача бўлган даврда ўзбек тили СБ терминларининг калька усулида ясалиши нуқтаи назаридан рус тили воситачи тил вазифасини бажарган. Ваҳоланки, ўзбек тили СБ терминологик тизимида кенг қўлланиладиган лексик қатламнинг асосий қисми рус тили таъсири остида шаклланганлиги тасодикий ҳолда содир бўлмаган. Ўзбек тили СБ терминологик тизимининг шаклланиши, терминларнинг ясалишидаги асосий усул тўлиқ калькалашдир. Шу боис истиклолгача *божхона* ва *солиқ* терминлари мулоқот доирасида нисбатан камроқ қўлланилган. Уларнинг муқобили сифатида рус тилидан ўзбек тилига ўзлашган *налог* ҳамда *таможня* терминлари фаолроқ эди.

Ҳар қандай терминологик тизим умумадабий тил лексик қатламининг узвий қисми ҳисобланади. Умумадабий тилда махсус лексиканинг тутган ўрни масаласи тилшуносликда кенг таҳлил этилмаган. Аксарият тилшуносларнинг фикрича, тилнинг умумий лексикаси билан махсус лексикаси ўртасида мунтазам боғлиқлик мавжуд. Тилда терминологиядаги терминнинг умумадабий тилга кўчиши, баъзан эса аксинча, умумадабий тилдаги лексеманинг махсус лексик қатламга ўтиши кузатилади, яъни улар бир-бирини тўлдириб, бойитиб боради. Мазкур икки ҳодиса тилшуносликда *детерминологизация* ҳамда *терминологизация* тушунчалари билан юритилади.

Солиқ ва бож тўловлари билан боғлиқ хусусиятлар ҳамда муносабатлар дастлабки ёзма манбаларнинг пайдо бўлишидан бошлаб то ҳозирги кунгача иқтисодий-ижтимоий категория сифатида кўплаб чет эллик ва маҳаллий олимларнинг диққатини ўзига жалб қилган ва ҳозирги кунгача қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Инглиз ва ўзбек тили СБ терминологик тизими ўзига хос хусусиятларга эга. Улардан бири, иккита соҳани тартибга солишга қаратилган расмий, ҳуқуқий ҳужжатлар, актлар ва кодексларда қўлланилиб, матн мазмунининг асосини ташкил этса, иккинчиси СБ соҳаси доирасида кўпинча аниқ маълумот етказувчи лексик қатлам ҳисобланади. Соҳа терминларини тўғри қўллаш орқали ҳужжатлар аниқ ва равшан ёзилишига эришилади, барчага бир хил тарзда тушунилишида, матнларнинг максимал даражада ихчамлигини таъминлашга хизмат қилади. Демак, СБ терминларини илмий жиҳатдан чуқур таснифлаш, аввало, мазкур соҳалардаги ахборотни тартибга солиш учун зарурлиги билан изоҳланади. Аммо, шуниси ҳам борки, солиқ ва божхона органлари фаолиятида соҳа терминларидан тўғри фойдаланмаслик солиқ тўловчилар учун салбий оқибатларни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Расмий ҳужжатларда биргина термин ёхуд тиниш белгининг ноўрин қўлланилиши соҳа вакиллари билан солиқ тўловчилар ўртасида зиддиятнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Инглиз ва ўзбек тилларида СБ терминологик тизими бир-мунча мураккаб бўлиб, одатда терминологик birlikларни таржима қилишда уларнинг маънолари таъриф ва изохлар орқали аниқлаштирилиши талаб қилинади. “Аслида, ушбу қонуният ҳар қандай соҳа терминларига ҳам даҳлдор муҳим тамойил ҳисобланади”(8, 48). Бундан ташқари, турли тилларнинг терминологик тизимларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларда терминларнинг ясалиш усулларини таҳлил қилишга катта аҳамият берилган. Жумладан, И.В. Арнольд тўғри таъкидлаганидек, терминологик birlikларнинг ўзига хос сўз ясалиш жиҳати шундан иборатки, уларнинг ҳосил бўлиши тилнинг ўз ички ресурсларига асосланади (2, 110–115). Бунда морфологик усулнинг ўрни ва роли бекиёсдир.

Бинобарин, инглиз тилида янги сўзлар ясалишида ҳам морфологик усулнинг маҳсулдор экани кузатилади. Инглиз тилида СБ терминологик birlikларининг ясалиш жараёни бошқа лексемалар каби тўртта асосий лингвистик усулга таянади: 1) морфологик усул; 2) синтактик усул; 3) семантик усул; 4) сўз ўзлаштириш усули.

Инглиз тилида СБ терминларининг тузилиши жиҳатдан қуйидаги турларга ажратилади:

- 1) якка компонентли терминлар;
- 2) қўшма сўз шаклидаги терминлар;
- 3) сўз бирикмали терминлар;
- 4) кўп компонентдан таркиб топган терминлар;
- 5) эргашган компонентли, кўп лексемадан таркиб топган (изофали) терминлар;
- 6) аббревиатура шаклидаги терминлар.

СБ терминологик тизимида якка компонентли терминлар миқдор жиҳатидан кўпчиликлари ташкил қилмайди. Улар айти пайтда ихтисослик доирасидан ташқарида, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам семантик-функционал вазифани ўтайди. Улар иқтисодиёт терминларининг, маркетинг, банк иши, бухгалтерия-аудит, молия-кредит ва менежмент соҳалари терминологик қатламлари йиғиндисидан таркиб топганлиги боис серқирралиги, кўпфункционаллиги билан ажралиб туради. Масалан: *tax* – солиқ, *duty* – бож, *agent* – агент, *audit* – текширув, *base* – база, *balance* – мувозанат, қолдиқ, *сальдо*, *budget* – бюджет, *import* – импорт, *export* – экспорт, *fee* – йиғим, *income* – даромад, *grant* – дотация, *interest* – фойиз (процент), *levy* – йиғим, *loss* – йўқолиш, *tizim* – system (система), *narx* – price, *режа* – plan, *савдо* – trade, *хатар (пункт)* – risk, *захир* – reserve, *субсидия* – subsidy, *кредит* – credit, *кодекс* – code, *сумма* – sum, *квота* – quote.

Юқорида қайд этилган сўз яшаш усуллари натижасида инглиз тилида махсус соҳа лексик бирликларининг лексик-семантик таркиби эволюцион йўл орқали оддий шаклдан мураккаб шаклга ўта боради.

СБ терминологик тизими лисоний жиҳатдан: а) семантик; б) структура; с) умумидабий тилга боғланганлик белгилари билан характерланади ва умумидабий тил лексик қатлами таъсири остида шаклланиб, ўзига хос вазифани ўтайди.

Бундан ташқари, терминологик бирликлар аксарият қисмининг экстралингвистик омиллар асосида вужудга келиши аксиомадир. В.П. Даниленко: “Жамиятда юз берадиган ҳар қандай жараённинг акси, даставвал, терминологияда ёхуд муайян терминларнинг трансформацион ўзгариши натижасида намоён бўлади” – деб ёзади(8, 7).

Вужудга келаётган янги терминларнинг семантик аниқлиги ўзлаштирилган тил манбаи билан бевосита боғлиқдир. Демак, Англиянинг иқтисодиёт соҳаси қанчалик тараққий топганлиги инглизча СБ терминларининг семантик аниқлик даражасини белгилайди.

Терминология умумидабий тилнинг “таъсирчан” аспекти бўлгани боис муайян тил терминологик тизими ташқи ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга “мойил” эканини ўзида аниқ ва равшан акс эттиради. СБ терминологияси учун динамик структура характерли бўлиб, ривожланиш динамикасининг ҳаракати ва ўзгариши натижасида мазкур терминологик бирликлар семантикасидаги ўзгаришлар эволюцион шаклда рўй беради ва бир қанча терминологик бирликлар билан корреляцион боғланади.

Юқоридаги лисоний омиллардан келиб чиқиб, инглиз ва ўзбек тили СБ терминологиясини илмий ўрганиш жараёнида инобатга олиниши зарур бўлган ўзига хос хусусиятлар характерли бўлгани боис уларнинг умумий лексик-семантик таркибий жиҳатига тизимли ёндашув талаб этилади. Солиқ ва божхона терминологик тизимини синхрон услубда тадқиқ этиш терминларнинг ясалиши, уларни таркибий жиҳатдан таснифлашда асосий восита бўлиб хизмат қилади. Аммо мазкур тизимга синхрон тарзда ёндашув, терминларнинг кам ёки кўп эканлигидан қатъий назар, умумидабий тил лексик бирликлари сифатида функционал вазифани бажариш мувозанатини йўқотмайди. Бинобарин, сўз яшаш усуллари тилнинг луғат таркибини тўлдириб, бойитиб борувчи маҳсулдор усул ҳисобланади.

Мақолада инглиз тилидаги иқтисодий терминологик майдон таркибига кирувчи СБ терминлари тизими ўзбек тилидаги махсус лексикага нисбатан анча барқарор экани, экстралингвистик омиллар унга минимал даражада таъсир кўрсатиши кузатилди. Шунингдек, махсус луғатларнинг таҳлили

натижасида аниқланган фактлар асосан мазкур тизимнинг тартиблагани, унда тизимлилик тамойили мавжуд эканини кўрсатди.

Ҳозирги замон инглиз тилида СБ терминологик бирликларининг ҳосил бўлиши, ясалиши жараёнида турли сўз ясовчи суффиксларнинг иштироки мавжуд. Уларнинг ҳаммасида ҳам маҳсулдорлик кузатилмайди. Суффикслар орқали сўз яшаш тилнинг ўз ички манбалари ҳисобига бойиш йўли бўлса, ташқи манбалар ҳисобига бойиши “калькалаш” йўли билан амалга ошади. Кальканинг СБ терминологиясидаги иштироки куйидагича юз беради:

А) сўзма-сўз (айнан) таржима ўзлашма. Масалан: **state taxes and customs duties** – *давлат солиқлари ва божхона божлари*.

Б) трансформацион таржима ўзлашма (**customs clearance** – *божхона кўригининг расмийлаштируви*).

В) ярим калькалаш йўли орқали ўзлашма (**tax and customs declaration** – *солиқ ва божхона декларацияси, tax automatated information system* – *солиқ тизимининг автоматлаштирилган ахборот тизими*).

Г) тўлиқ калькалаш йўли орқали ўзлашма (**embargo** – *эмбарго* – *чет эл молларини божхона орқали мамлакатга келтириш ёки мамлакатдан чиқаришни давлат томонидан тақиқлаб қўйиш, девальвация* – *девальвация* – *муомаладаги қадрсизланган қоғоз пулларни бекор қилиш ёки қийматини тушириш*).

Солиқ ва божхона терминологик бирликларининг калька усулида ҳосил бўлиши ўзбек тили луғат таркибининг бойишига, тараққий этишига олиб келади ҳамда иқтисодиёт интеграциялашув жараёнининг ривожланиши натижасида вужудга келган солиқ ҳамда божхона реалия (хос сўзлар) ва тушунчалар номинатив восита ролини бажаради.

Ўзбек тили СБ терминларининг ясалиши ўзбек тилшунослигида муайян сўз ясовчи усулларга суянса-да, мазкур жараён илм-фаннинг ривожланиш парадигмасига бевосита боғлиқдир. Соҳа терминларининг кўпчилиги терминологияда олдиндан ўз мавқеига эга бўлган, структур-семантик воситаси билан характерланадиган асосий (етакчи) терминлар орқали ифодаланади. Бироқ “калька” усулида ҳосил бўлган терминлар мазкур йўл орқали вужудга келган оддий лексемалардан илмий таърифи (изоҳи) нинг аниқлаштирилиши билан ажралиб туради. Бу эса янги термин ясалиш жараёнида бошқа тушунчаларнинг функционал-семантик фарқига, мазмуний чегарасига аниқлик киритмай, уларнинг муайян белгиларини ажратмай тўлақонли термин деб, ҳисоблаб бўлмаслигини кўрсатади(8, 94). Масалан: инглиз тилидан ўзбек тилига ўзлашган **emission** – *эмиссия* терминини таҳлил қилиб кўрайлик.

Emission [i'mɪʃ(ə)n] – эмиссия – *чиқариш, ажратиш, отилиб чиқиш, тарқалиш* каби маъноларни ўзида акс эттиради. У бир тилдан иккинчи тилга берилишида муайян соҳанинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ шаклда ўзгариб боради ва хосланади. Жумладан:

- ✓ **иқтисодиёт** ва **молия** соҳасида *эмиссия* термини қимматли қоғозлар ва қоғоз пулларни чиқариш жараёнига нисбатан қўлланилади;
- ✓ **физика** соҳасида жисмларнинг электрон, ионлар чиқаришига нисбатан ишлатилади;
- ✓ **тиббиёт** ва **физиологияда** эса секреция безларининг шира чиқариши ва поллюция, суюқликнинг ажралишини ифодалайди;
- ✓ **телекоммуникация** соҳасида аппаратураларнинг нур чиқаришига нисбатан қўлланилади;
- ✓ **биология** соҳасида эса инсон таъсири остида юзага келган ёхуд тарқалган жараёнга нисбатан ишлатилади;
- ✓ **география** соҳасида эса ушбу термин атмосферага чиқарилаётган ифлосланиш жараёнига нисбатан қўлланилади.

Терминнинг асосий белгиларидан бири бўлган изоҳи ва таърифига аниқлик киритиш, унинг семантик қуршовида мавжуд бўлган қўшимча маъноларини юзага чиқариш илмий тилнинг ривожланишида, бошқа соҳа терминологик тизимлари таркибида сезиларли даражада акс этади. СБ терминологиясида терминологик бирликларнинг функционал-семантик таркибида мазкур тизимнинг концептуал ривожланиш структураси ўз аксини топган.

СБ терминларини функционал-структурал, лексик-семантик жиҳатдан таснифлаш сўз яшаш усуллари воситасида амалга оширилади. Таҳлил қилинаётган лексик қатлам ўзининг морфем-синтактик таркиби нуктаи назаридан бир нечта гуруҳга ажратилди. Инглиз ва ўзбек тили СБ терминологиясида бир таркибли терминлар миқдор жиҳатдан кўп бўлмаса-да, тизимда уларга нисбатан туб терминлар сифатида қаралди. Инглиз тилидаги туб терминлар якка лексик бирликдан ташкил топган бўлиб, маъноли морфемаларга бўлинмайди. Масалан: *Tax – солиқ, arrears – боқиманда, tenant – ижарачи, duty – бож, burden – юк (солиқ юку), levy – йиғим, area – ҳудуд (божхона ҳудуди), cash – нақд пул, fee – бадал* (4, 152).

Ўзбек тилида мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин. *Тариф – tariff, назорат – check, жарима – penalty, имтиёз – incentive, даромад – income, тушум – revenue, муддат – term, ставка – rate йўқотиш (зарар) – loss, юк – cargo, база – base.*

Ушбу терминларнинг концептуал структура шакли морфологик дериватив нуктаи назардан ўзгармай қолаверади. Аммо улар соҳа

терминларининг илмий жиҳатдан ўрганилишида «кам ахборотли», яъни ягона изохли терминлар ҳисобланади ҳамда СБ терминологик тизимининг асосий (таянч) терминлари компоненти вазифасини бажаради.

Ҳозирги инглиз ва ўзбек тилларида солиқ ҳамда божхона фаолияти билан боғлиқ кўплаб тушунчаларни англатувчи сўз-терминлар якка ҳолда қўлланилса-да, аксарияти икки ва ундан ортиқ, кўп таркибли (компонентли) лексемалар билан ифодаланади. Бу эса, ўз навбатида, СБ терминларини ихчам ва қулай қўлланилишини таъминлаш, оғзаки ва ёзма нутқ таржимасида терминларнинг ягона ифода шаклга келтириб, бир хиллиги (унификацияси) га эришиш, яхлит қилиб айтганда, терминологик тизимни тартибга келтириш нуқтаи назаридан илмий тадқиқот ўтказиш эҳтиёжини юзага келтиради.

Мақолани ёзиш жараёнида СБ терминларининг содда, ясама, мураккаб, таянч, ўзлаштирилган шаклларида ташқари, “кенг маънодаги умумилмий” терминлардан ҳам фойдаландик. Мазкур терминлар ўзининг сермазмун кирралари билан ажралиб туради. Семантик кенг қамровли терминлар терминологияда ягона семантикага эга бўлиб, умумилмий тушунчаларни ифодалайди. Аммо матнга мослашиш ҳодисаси орқали функционал вазифасидан ташқари ўзга бир вазифани ҳам бажаради. Демак, бундай терминларнинг семантик диапазони кенг қамровлидир. Уларни соҳа терминологияси “остонасида” турган, ўзларида терминологик тизимни намоён қилаётган терминлар сифатида изохлаш мумкин. Бундай терминлар амалиётда махсус соҳа, илмий ва техникавий ахборотларни кенг миқёсда узатиш мақсадида қўлланилади. Ушбу терминларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар ўз концептуал структурасида солиқ ва божхона тизимининг назарий тушунчаларини акс эттиради. Кенг семантик диапазонли терминлар терминологик тизимда биргина маънони англатиб, экспрессив-эмотив коннотацияни ифодаламайди. Тилшунос олимларнинг фикрича, бундай терминлар “фикрнинг чуқур моҳияти”ни ўз таркибига қамраб олган бўлади (3, 28–29).

Бундай терминлар таркибида кўп маънолилик яширин шаклда намоён бўлишини куйидаги мисоллар орқали кузатиш мумкин:

Tax and customs system – солиқ ва божхона тизими (солиқ, бож ва бошқа мажбурий тўловлар, давлат солиқ ва божхона органлари фаолияти, солиқ ҳамда божхона бошқарув маъмурчилиги каби мажмуа), *taxation and customs object* – солиқ ва божхона объекти (солиқ ундириладиган операция ҳамда солиқ ва бож солинадиган импорт маҳсулотлар, жисмоний ёки юридик шахс шахслар), *tax planning* – солиқни режалаштириш (солиқлар ва йиғимларни давлат бюджетига йиғиш жараёнининг тартиби), *tax and customs policy* – солиқ ва божхона сиёсати (давлатнинг солиқ ва божхона соҳаларида олиб борадиган

тадбирлар тизими), *tax class* – солиқларни синфлаштириш (солиқ турларини муайян белгилар асосида гуруҳлаштириш, (масалан: бевосита ёки билвосита солиқлар таркиби), *customs classification of goods* – божхона товарларини туркумлаштириш, *tax and customs duties harmonization* – солиқ ва божхона божлари гармонизацияси (солиқларни ва божларни уйғунлаштириш, соддалаштириш, мамлакат солиқ ва божхона тизимини, сиёсатини мувофиқлаштириш, халқаро ва регионал СБ ҳужжатларини мувофиқлаштириш), *structure of tax and customs agencies* – солиқ ва божхона органлари тузилмаси (ягона марказлашган солиқ-божхона тизимини ташкил қилувчи барча солиқ ва божхона органлари, идоралари), *taxation method* – солиққа тортиш усули (назарий, илмий-амалий ҳамда солиқ соҳаси ҳақида юз бераётган концептуал ҳуқуқий тушунчаларни англаш), *taxation and customs principles* – солиққа тортиш ва божхона божларини ундириш тамойиллари (давлат солиқ ва божхона тизимларининг шакллантиришда асос қилиб олинган мезонлар) (9, 167).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, умумилмий терминлар гуруҳи таркибида мавжуд бўлган терминлар илм-фаннинг «махсус» парадигмалари натижасида алоҳида лексик бирликка айланиши кузатилади. Улар бундай ўзгариш жараёнида соҳалараро термин мавқеига эга бўлади. Масалан: *Provision* – ўрин, жой, ҳолат, *level* – сатҳ, савия, даража, *practice* – тажриба, амалиёт, малака (амалий иш), *bracket* – разряд, тур, гуруҳ, туркум, *violation* – келишувни бузиш, топташ, оёқ ости қилиш, ҳалакит бериш.

Мазкур терминларнинг айнан СБ терминологияси таркибига мослашуви соҳага доир махсус индикатор орқали амалга ошгач, махсус лексик тушунчаларни ифодалайди. Масалан: *tax provision* – солиқ ундириладиган ҳудуд, *bracket of taxes* – солиқ (лар) турлари, *tax level* – солиқнинг ошиш даражаси, *tax violation* – солиқ қонунчилигини бузиш, *customs violation/smuggle* – контрабанда, *transferring of counterfeit goods through the customs* – контрафакт маҳсулотларни божхонадан ўтказиш, *forgery of a customs declaration* – қалбаки божхона декларацияси, *decision on a case of smuggling* – контрабандага чек қўйиш бўйича қарор. Демак, кенг семантикали умумилмий терминларни фаол қўлламай туриб тилнинг таркибий тузилмаси бўлган терминологик тизимни яратиш мумкин эмас.

Демак, инглиз ва ўзбек тили СБ терминологияси ўзида мураккаб иерархияга асосланган босқич, тизимларни акс эттирган бўлиб, унинг таркибий элементлари терминлар вазифасини бажарувчи сўз ва сўз бирикмаларида ўз ифодасини топган. СБ терминологияси шунчаки терминлар мажмуи эмас, балки иқтисодиёт лексикасининг ички узвийлигини таъминловчи барқарор тизимдир. Мазкур мураккаб тизим бирликлари

иктисодиёт лексикаси таркибини ташкил қилувчи бошқа терминосфералар муносабатлари негизида бирлашади.

СБ терминологиясига доир маълумотларни бошқа терминологиялар сингари соҳага оид луғатлар ва соҳа амалиётидан тўплаш мумкин. Соҳага доир термин шаклидаги лексик бирликларни махсус изоҳли луғатларга киритишнинг муайян талаб ва мезонлари мавжуд. Термин ва термин бўлмаган лексик бирликларни таржима амалиётида фарқлаш мураккаб бўлгани туфайли луғат тузувчилар терминологик тизимда учрайдиган лексемаларнинг аксарият қисмини луғатларга киритишга уринишади. Бу масалани тўғри ҳал қилиш борасида А.С. Герднинг луғатларга киритилиши лозим бўлган терминлар бўйича таклиф қилган тамойили анча асослидир. Унга кўра, “даставвал, терминларнинг махсус матнларда қўлланилиш даражаси, сўнгра терминларнинг семантик бутунлиги, учинчидан эса терминларнинг яроқлилиқ даражаси назарда тутилади”(6, 33). Терминларни изоҳли луғатга киритиш учун уларнинг сифат ва миқдор жиҳатларини танлаб олиш муҳим эканини таъкидлаган А. Ҳожиёв бош сўз ва унга оид материаллар луғат мақоласини ташкил этишини таъкидлайди. Унинг фикрича, луғат мақоласини ташкил этувчи компонентлар қуйидагилардан иборат:

луғатнинг бирликлари:

- ✓ бош сўз;
- ✓ турғун бирикмалар;
- ✓ этимологик маълумот;
- ✓ луғат бирликларининг маъносини белгилаш ва қайд этиш;
- ✓ изоҳ;
- ✓ тасдиқловчи мисол;
- ✓ грамматик ва услубий характеристика (уни қайд этувчи белгилар) (11, 38).

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш ўринлики, бош сўз ва унинг маъносига бериладиган изоҳ ҳар қандай луғат мақоласининг доимий компоненти ҳисобланади. Шундай экан, у албатта бўлиши шарт. Қолган компонентлар эса луғат мақоласида бўлиши ҳам бўлмаслиги ҳам мумкин. Терминларда эса грамматик таснифни қайд этувчи белгининг бўлиши шарт эмас, чунки терминлар номинатив характерда бўлади. Улар асосан от туркумидаги ёки отлашган лексемалар билан ифодаланади. Шунинг учун ҳам терминлар учун тузилган луғат мақоласида грамматик тавсиф белгиларини қайд этишга эҳтиёж йўқ.

Солиқ ва божхона соҳасига оид матнларни чет тиллардан миллий тилга, миллий тилдан чет тилларга тўғри таржима қилиш, даставвал, ўзбек тили СБ терминларини бошқа тиллар билан қиёсий ўрганишни тақозо этади. Мазкур

жараёни амалга ошириш учун чет тиллардаги солиқ ва божхона соҳасига доир манбаларни чуқурроқ ўрганиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56. б.
2. Арнольд И.В. Лексикология английского языка. – М., 1959. – 325 с.
3. Антонова М.В., Лейчик В.М. Роль концептуальной структуры в формировании отраслевой терминологии // Термины и их функционирование. – М., 1987. – 129 с.
4. Беделадзе Т., Ниязатов Ш., Уватов У. Инглизча-ўзбекча-русча тижорат луғати. – Т., 1995. – 313 б.
5. Будагов Р.А. Слово и его значение. – Л., 1976. – 266 с.
6. Герд А.С. Основы научно-технической лексикографии. – Л., 1986. – 233 с.
7. Головин Б.Н. Лингвистические основы учения о терминах. – М., 1987. – 235 с.
8. Даниленко В.П. Актуальные направления лингвистического исследования русской терминологии//Современные проблемы русской терминологии. – М., 1986. – 137 с.
9. Сычева Н.Г., Ильина В.В. Толковый словарь аудиторских, налоговых и бюджетных терминов. – М., 2003. – 292 с.
10. Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. – Т., 2009. – 276 б.
11. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаши. – Т., 1989. – 255 б.